



“Россия ва жаҳонда ҳалол бозорга кириш технологияси” мавзусига багишланган ҳалкаро ўкув семинари пайшанба 26 –сентябр куни Тотористон пойтахти Козон шаҳридаги Россия Ислом университетида бўлиб ўтади. Тадбир ташкилотчиларига кўра, ушбу семинарни ўтказишдан кўзда тутилган бош максадлардан бири Россия ишбилиармонлари, тадбиркорлари ва илмий доираларини Козогистоннинг ҳалол саноати соҳасидаги тажрибалари билан таништиришdir.

Мазкур семинар Россия Ислом университетининг ташаббуси ва Тотористон Мусулмонлари Диний идораси кошидаги Ҳалол қўмитасининг хамкорлигига ва ишлаб чиқариш хамда саноат корхоналарининг вакиллари, тадбиркорлар, Россия турли минтакаларидаги исломий ўкув муассасаларининг ўқитувчи ва талabalari иштироқида ўтказилади.

Семинарда ҳалол саноати бўйича таникли козок эксперти ва Козогистон ҳалол саноати жамиятининг раиси Марат Сарсонбаев маъруза килиши кутилмоқда.